

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Protected by PDF Anti-Copy Free

2023 йил 17 август ойининг 21 кунини, жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман суди, Хўжаобод тумани Мустақилликнинг 27 йиллиги МФЙ маъмурий биносида, судья раис суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси К.Ахмедов, судья ёрдамчиси Ш.Мехмановнинг котиблигида, тарафларда адвокат айбловчиси Хўжаобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси З.Атаджанов, судланувчи З.Ахмедова ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “А.С.Хуқуқ” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Сиддиқовнинг иштирокида, Ахмедова Зухраҳон Комилжоновнага оид 1-1715-2301/150-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмедова Зухраҳон Комилжоновна (Axmedova Zuxrahon Komiljonovna), 1986 йил 09 июнда Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Хўжаобод тумани, Мустақилликнинг 27 йиллиги МФЙ, 8-тор кўча, 160-уйда яшайди, иш бўйича 2023 йил 18 июлда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 01 августда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Ахмедова, 2023 йил 17 июль кунини Хўжаобод тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ўзи яшаб келаётган Хўжаобод тумани, “Мустақилликнинг 27 йиллиги” 8-тор кўчаси, 160-уйда қўшмачилик қилиб, тадбир учун ажратилиб, кимёвий ишлов берилган 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пуллар эвазига ҳолисимижоз ва таниши Н.Ахмедоваларни жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилганлиги тезкор тадбир

иштирокчилари томонидан аниқланиб, холислар иштирокида ундан 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пули икки нафар шахслар билан жинсий алоқа қилиш учун ётоқхонага кирмоқчи бўлганида, ундан келишилган пулларни беришини сўраганида, ушбу шахс 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пул берганини, шунда ушбу пулларни санаб олганидан сўнг у Н.Ахмедова билан жинсий алоқа қилиш учун ётоқхонага кириб кетишганини, шунда сўнг яшаш хонадонига ИИБ ходимлари 2 нафар холислар билан киришиб, ўзлари таништиришиб, ўзига нисбатан тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ҳолат юзасидан сўрашганида, уларга ҳақиқатдан ҳам яшаш хонадонига холис мижоздан Н.Ахмедова билан жинсий алоқада бўлиши учун 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пулларни олиб, холис мижозга яшаш хонадонидан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берганини маълум қилганини, бу гапларни Н.Ахмедова ҳам тасдиқлаганини, сўнг холис мижоз берган 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пулларни тақдим қилганини, эксперт-мутахасис томонидан махсус лампа ёрдамида юзи ҳамда уст кийимлари кўздан кечирилганида қўлларида бинафша ранг нур таратиб тургани аниқланганини, 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пуллар махсус лампада кўздан кечирилганда махсус қалам билан ёзилган “Z-2023” ёзуви борлиги аниқланганини,

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Судланувчи З.Ахмедова суд мажлисида айбига иқдорлик билдириб, 2023 йил 17 июль куни соат 16 ларда нотаниш бола телефон қилиб, жинсий алоқа қилиш учун пуллар сўраганида, телефон рақамини қаердан олганини сўраганида у Гули деган таниш синглисидан олганини айтиб, жинсий алоқа қилиши учун қиз билан жой борлиги ҳақида сўраганида, борлигини маълум қилганини, у жой шароити ва қизнинг кўринишини сўраганида, жой идеал ҳолатда ҳамма шароити борлигини айтганини, шунда у бир кечага қанча беришини сўраганида, 600.000 сўм жой учун 1.400.000 сўм қиз учун беришини айтганини, у рози бўлганини, бироздан сўнг у яна телефон қилиб, АҚШ доллари ҳам олишини, 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пули борлигини айтганида олишини айтганини, шундан сўнг таниши Н.Ахмедовага пул зарурлигини билгани сабабли унга телефон қилиб, бу ҳақда айтганида у рози бўлганини, соат 23:30 ларда ушбу бола яна телефон қилиб келаётганини, яшаш манзилини тушунтириб беришини сўраганида, унга Мустақилликнинг 27 йиллиги МФЙ, 8 тор кўчаси, 160-уйини тушунтириб, эшигини очиб қўйишини маълум қилганини, бироздан сўнг “Жентра” русумли автомашинада икки нафар шахслар келишганида, уларга автомашинани яшаш хонадонига олиб кириб қўйишларини айтганини, сўнг яшаш хонадонига Н.Ахмедова ҳамда ушбу икки нафар шахслар билан гаплашиб ўтиришганида, улар телефон орқали истеъмол қилиш учун нарса олиб келишни айтганини, сўнг Н.Ахмедова билан жинсий алоқа қилиш учун ётоқхонага кирмоқчи бўлганида, ундан келишилган пулларни беришини сўраганида, ушбу шахс 100 АҚШ доллари ҳамда 800.000 сўм пул берганини, шунда ушбу пулларни санаб олганидан сўнг у Н.Ахмедова билан жинсий алоқа қилиш учун ётоқхонага кириб кетишганини, шунда сўнг яшаш хонадонига ИИБ ходимлари 2 нафар холислар билан киришиб, ўзлари таништиришиб, ўзига нисбатан тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ҳолат юзасидан сўрашганида, уларга ҳақиқатдан ҳам яшаш хонадонига холис мижоздан Н.Ахмедова билан жинсий алоқада бўлиши учун 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пулларни олиб, холис мижозга яшаш хонадонидан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берганини маълум қилганини, бу гапларни Н.Ахмедова ҳам тасдиқлаганини, сўнг холис мижоз берган 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пулларни тақдим қилганини, эксперт-мутахасис томонидан махсус лампа ёрдамида юзи ҳамда уст кийимлари кўздан кечирилганида қўлларида бинафша ранг нур таратиб тургани аниқланганини, 100 АҚШ доллари ва 800.000 сўм пуллар махсус лампада кўздан кечирилганда махсус қалам билан ёзилган “Z-2023” ёзуви борлиги аниқланганини,

ушбу пуллар тадбирдан олдин тузилган баённома билан бир хилда экани аниқлаштирилган. Тадбир иштирокчилари билан Хўжаобод туман ИИБ маъмурий биносига келишиб, у ерда баённомалар тузилганини, хозирда қилмишидан пушаймонлигини, пулга мухтожлиги сабабли бу ишга қўл урганлигини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, бундан ташқари вафот этган опасининг 4 нафар фарзандини ҳам боқиши муносибати билан қилмишидан ажрашганлигини, ёлғиз боқувчи эканини инobatтаниши билан, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Н.Аҳмедова суд мажлисида, 2023 йил май ойида З.Аҳмедова билан бозорда танишиб қолгани, 2023 йил 17 июль куни соат 22 ларда З.Аҳмедова телефон қилиб икки нафар танишлари борлигини, агарда ўзи улар билан жинсий алоқа қилса эвазига 1.400.000 сўм пул беришини, рози бўлса Хўжаобод тумани Мустақилликнинг 27-йиллиги МФЙ 8-тор 160-уйга келишини айтганида, ўша пайтда фарзандини даволатиши учун пул зарурлиги сабабли рози бўлгани, сўнг соат 23:30 ларда З.Аҳмедованинг Хўжаобод тумани Мустақилликнинг 27-йиллиги МФЙ 8-тор 160-уйга боргани, бироздан сўнг эса уни икки нафар танишлари келгани, З.Аҳмедова яшаш хонадонини мижозлар учун таёрлаб қўйганини кўргани, шунда сўнг ушбу икки нафар нотаниш шахслар З.Аҳмедовага уйида ўзи билан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бергани ва қўшмачилик қилгани учун келишилган 100 АҚШ доллари ҳамда 800.000 сўм пулларни бергани, шундан сўнг ўзи бир нафар мижоз билан З.Аҳмедова таёрлаб қўйган ётоқхонага жинсий алоқа қилиш учун кириб, эгнида бўлган кийимларни ечаётганида З.Аҳмедовани хонадонига ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан киришиб, З.Аҳмедовага нисбатан тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштиришгани, ўзи З.Аҳмедова топган шахслар билан жинсий алоқа қилиш учун келишилган 1.400.000 пулларни олишга улгурмагани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи З.Аҳмедовани жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг суриштирувда ўз айбига иқроп бўлиб берган кўрсатуви, жиноят ишидаги билдирги, тадбир ўтказиш ва ҳолатни ҳужжатлаштириш, пулларга кимёвий ишлов бериш ва гувоҳлантириш баённомаси, суд-кимёвий экспертизаси ҳулосаси, суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Ибрагимов, А.Абдувоитовларнинг суриштирувдаги кўрсатувлари, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-

хатбошида “Судлар ҳукм ЖКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилади ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишларини квалификацияси масала муҳокама қилиб, судланувчи З.Ахмедованинг ғаразли ва напаст ниятларда яшаш хонадонидан қўшмачилик қилганликда қилган хатти-ҳаракатлари ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан суриштирув органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши;

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай

ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қоплашнинг судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳда яшаш тар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этиши, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуқсизликчилик, қилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашмаслиги ва ҳ.к.) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи З.Ахмедовага жазо тайинлашда, унинг тури ва меъёрини белгилаш масаласида, ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг айбига тўла иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, З.Ахмедова ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи бор содир этган бўлса-да, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айб шаклини, яъни жиноят қасддан содир этилганлигини инobatга олиб, уни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, бироқ З.Ахмедовани қилмишидан пушаймонлиги, аёл кишилиги, оилавий шароити, оиласидан ажрашгани, ёлғиз оналиги, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди ҳамда вафот этган опасининг тўрт нафар фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчилиги жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далиллар - тадбирда фойдаланилган 100 АҚШ доллари валюта қимматлиги ва 800.000 сўм нақд пул миқдори суриштирув даврида "Қишлоққурилишбанк" Хўжаобод филиалига қайтарилганлигини инobatга олишни, аудиоёзувлар туширилган икки дона "DVD" диск жиноят ишида қўшиб сақлашни, тадбир давомида олинган тампон намуналар белгиланган тартибда тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ахмедова Зухраҳон Комилжонова (Ahmedova Zuxrahon Komiljonovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-

қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин. **Protected by PDF Anti-Copy Free**

3.Ахмедовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) вари миқдорида, яъни 4.950.000 (тўрт миллион тўққиз юз эллик ми) жарима жазоси тайинлансин.

Жарима белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилсин.

3.Ахмедовага нисбата тайинланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар, тадбирда фойдаланилган 100 АҚШ доллари валюта қимматлиги ва 800.000 сўм нақд пул миқдори суриштирув даврида “Қишлоққурилишбанк” Хўжаобод филиалига қайтарилганлиги инобатга олинсин, аудиоёзувлар туширилган икки дона “DVD” диск жиноят ишида қўшиб сақлансин.

Ашёвий далил, тадбир давомида олинган тампон намуналар белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусҳасини олган кундан эътиборан 20 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

К.Ахмадалиев